# 4-мавзу: Фуқаровийлик, фуқаровий онг ва фуқаровий фаоллик

**Режа:**

**Фуқаровийлик, мазмун-моҳияти ва асосий хусусиятлари**

**Фуқаровий онг ва унинг намоён бўлиш омиллари**

**Фуқаровий фаоллик, фукаролик масъулият ва унинг фуқаролик жамиятидаги ўрни**

**Фуқаровийлик бир давлатга мансубликни англаш, давлатга содиқлик ҳамда ватанпарварлик ҳисси сифатида талқин этилади.**

***Фуқаровийлик- инсонга ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий ва сиёсий жиҳатдан лаёқатли эканлигини ҳис этишни таъминловчи жамловчи тушунча сифатида ҳам талқин этиш мумкин.***

Шахснинг муайян давлат карамогида булиши, мамлакат ичида на гашкарисида шу давлатга мансуб эканлиги, айнан шу мансубликни хукукий хужжатлар асосида тасдиклангaнлиги фукаролик тушунчаси оркали ифодаланади. Фукаролик деганда инсоннинг сиёсий ёки сиёсий хукукий томондан химояланиши ва конуний манфлатларининг давлат ичида ва ташкарисида химояланиши англанади.

Фуқаровийликни ифода этувчи муҳим жиҳатлар :

- фуқаронинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши ва хаётда қўллаш кўникмаси;
- бошқа фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;
- фуқаронинг ўз хатти-ҳаракати учун шахсий жавобгарлиги;
- давлат ва жамият олдида ўзининг ҳуқуқий ва ахлоқий масъулиятини англаш;
- фуқароларнинг тенглиги;
- ижтимоий воқеликка нисбатан объектив ва танқидий ёндашув;
- ҳокимият билан, бошқа фуқаролар ва жамоат бирлашмалари билан ижобий мулоқот юритиш қобилияти;
- бир мамлакат, жамият ва давлатга тегишли ҳуқуқий, маданий ва тилга мансубликда ифодаланган фуқаровий ўзликни англаш ва ҳоказолар.

**Фуқаролик онги демократик қадриятлар, идеаллар, ҳуқуқ ва эркинликлар нуқтаи назаридан шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни англашдан иборат.**

Фуқаролик онги табиий ва тадрижий тараққиёт маҳсули бўлиб, уни сунъий жиҳатдан тезлаштириш мумкин эмас. У ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий омиллар негизида тадрижий тарзда шаклланади.

Фуқаролик онги ижтимоий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи фаол омилдир. У фуқароларни фаол ҳаракатга бошловчи тасаввурлар билан боғлиқ бўлганлиги туфайли, жамият ўзлигининг янгиланишига, ижтимоий тараққиётни тезлаштирувчи омилга айланиши мумкин.

Узбекистон Республикаси фукароларининг конституциявий масъулиятларини икки гурухга булиш мумкин: I. Узбекистон Республикаси ижтимоий ва давлат тузумини мустахкамлашга каратилган масъулиятлар:

— Узбекистон Республикаси Конституциясини яхши билган ва англаган холда унга огишмай риоя килиш;

— конунларга амал килиш ва уларни бажариш;

— мехнат интизомини саклаш;

— жамоат бурчига виждоний муносабатда булиш;

— бозор муносабатларини ривожлантиришга каратилган иктисодиёт негизи булмиш мулкнинг хилма-хил шаклларини мустахкамлаш;

— бошка мамлакат фукаролари эркинлиги, шаъни, кадр-киммати, узлиги, хукукларини хурмат килиш; — ижтимоий бурчни халоллик билан адо этиш ;

— Узбекистон фукароси деган юксак номга муносиб булиш

II. Узбекистон манфаатларини химоя килишга каратилган масъулиятлар:

— Ватан кудратини ошириш ва уни химоя килиш;

— конун асосида харбий ёки мукобил хизматни уташ.

Узбекистон фукароларининг конституцион бурчлари куйидагилардан иборат:

— барча фукаролар Конституцияда белгилаб куйилган бурчларини бажарадилар;

— Уз.Республикасининг хар бир фукароси Конституция ва конунларга риоя этишга, бошка кишиларнинг хукуклари, эркинликлари, шаъни ва кадр-кимматини хурмат килишга мажбур;

— фукаролар Узбекистон халкининг, тарихий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар;

— фукаролар атроф табиий мухитга эхтиёткорона муносабатда булишга мажбурдирлар;

— фукаролар конун билан белгиланган соликдар ва махаллий йигимларни тулашга мажбурдирлар;

— Уз.Респубубликасини химоя килиш мамлакат хар бир фукаросининг мукаддас бурчидир;

— фукаролар конунда белгиланган тартибда харбий ва мукобил

**Фуқаровийликни фаоллик нуқтаи назаридан даражалари:**

- **Масъулиятли, онгли ва виждонли бўлса у дастлабки поғонада, яъни фуқаровий хусусиятларга эга бўлган шахслар қаторига киритиш мумкин;**
- **агар фуқарода атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан маълум бир муносабати шаклланган бўлса уни фуқаровий позициясига эга бўлган шахс сифатида эътироф этиш мумкин;**
- **агар фуқарода ўз ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда бурчи учун амалий ҳаракатни бажариш кўникмаси мавжуд бўлса уни фаол фуқаро сирасига киритиш мумкин.**

Фуқаровийликнинг тўкис эканлигини курсатувчи мезонлар:

1. Агар фуқаровий позиция ҳали шаклланмаган, фуқаровий хусусиятлар, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиш истаги тўлиқ намоён бўлмаса фуқаровийликнинг энг қуйи даражаси намоён бўлади.
2. Фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашишга мойил бўлса, у ҳақда ўз билим ва қобилиятини намоён қилишга тайёр бўлса, бунда фуқаровийликнинг ўрта даражаси намоён бўлади.
3. Агар фуқарода фуқаровий хусусиятлар ҳамда фаол фуқаролик позицияси тўлиқ шаклланган, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун амалий ҳаракатга кириш иштиёқи яққол намоён бўладиган бўлса уни юқори даражада фуқаровийлик сифатида талқин этиш мумкин.

**Фуқаровий фаолликнинг бир неча жиҳатлар:**

- **фаол фуқаро гуруҳига мансуб кишилар асосан сиёсий ва иқтисодий тизим тўғрисида билим олишга тайёр бўлган кишилардан иборат;**
- **фаол фуқароларда ўз ҳақ-ҳуқуқларини фаол амалга ошириш учун билим ва қобилият мавжуд;**
- **фаол фуқароларда ана шу билимларни жорий қилиш учун кўникмалар мавжуд бўлади.**

**Узбекистон Республикаси фукаролиги мавжуд жамият ва шахс уртасидаги муносабатлардан келиб чиккан холда куйидаги ижтимоий коидаларга асосланади:**

**— мамлакат худудида истикомат килувчи барча миллатлар ва элатлар тили, динидан катьи назар тенг хукуклилиги;**

**— хотин-кизлар ва эркакларнинг тенг хукуклилиги;**

**— фукароларнинг шахсий, ижтимоий келиб чикиши, мулки, ижтимоий мавкеидан кагьи назар конун олдида тенглиги;**

**— фукароликни кай тарзда кабул килинганлигидан катъи назар, улар хукукий холатининг бир хил белгиланганлиги;**

**— бутун Узбекистон худудида ягона фукаролик урнатилганлиги;**

**— «икки давлат фукароси» булиш конун билан ман этилганлиги;**

**— фукароликни олиш ва тухтатиш тартиби хукукий хал этилганлиги;**

**— ота-оналарнинг фукаролиги узгарганда, болалар фукаролигининг узгариши тартиби аник белгиланганлиги;**

**; — фукаролик масалалари буйича хукукий актларни кабул килувчи ва ижросини текширувчи давлат органлари тизими бирлиги;**

**— фукаролик масалаларига оид карорлар юзасидан шикоят килиш тартибининг аник-равшанлиги;**

**— фукаролик буйича халкаро шартномалар турлари, характери конунда аник белгиланганлиги...**

**— фукароликни кай тарзда кабул килинганлигидан катъи назар, улар хукукий холатининг бир хил белгиланганлиги;**

**— бутун Узбекистон худудида ягона фукаролик урнатилганлиги;**

**— «икки давлат фукароси» булиш конун билан ман этилганлиги;**

**— фукароликни олиш ва тухтатиш тартиби хукукий хал этилганлиги;**

**— ота-оналарнинг фукаролиги узгарганда, болалар фукаролигининг узгариши тартиби аник белгиланганлиги;**

**— фукаролик масалалари буйича хукукий актларни кабул килувчи ва ижросини текширувчи давлат органлари тизими бирлиги**